



Mas'uliyati Cheklangan Jamiyat shaklidagi
AKADEMIK AUDIT
auditorlik tashkiloti

150103. Farg'ona shahar. B.Marg'inoniy ko'chasi 147-uy. hisob raqami: 20208000504337208001
MFO: 01043 АТБ «kapital Bank» STIR: 205094982 IFUT: 69202: tel: +99891 664-94-82
web-sayt: akademik-audit.uz Email: akademik_audit@mail.ru

"FARFONA HUDUDIY ELEKTR TARMOKLARI KORHONASI"
акциядорлик жамиятининг 2020 йил молиявий хўжалик фаолиятига
Изохлар билан фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Биз, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «AKADEMIK AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Ўзб. Рес. Адлия вазирлиги томонидан берилган 04.06.2004 йилдаги реестр рақами 986-сон гувоҳнома, Ўзб.Рес. Молия вазирлиги томонидан 05.04.2019 йилда берилган АФ-№00772-сонли лицензия) аудиторлари Ф.Ю.Низомов (Ўз Рес. Молия вазирлиги томонидан 20.12.2015 йилда берилган №04336-сонли аудитор малака сертификати), М.А.Маликов (Ўз Рес. Молия вазирлиги томонидан 07.11.2015 йилда берилган №05344-сонли аудитор малака сертификати) ва директор-аудитори М.М.Султонов (Ўз.Рес. Молия вазирлиги томонидан 29.10.2016 йилда берилган №05426-сонли аудитор малака сертификати)лар томонидан "FARFONA HUDUDIY ELEKTR TARMOKLARI KORHONASI" акциядорлик жамиятининг 2020 йил 1 январдан 31 декабрига қадар бўлган давр учун тузилган Бухгалтерия баланси 1-сонли шакл, Молиявий натижалар тўғрисида- ги ҳисобот 2-сонли шакл, Пул оқимлари ва хусусий капитал тўғрисидаги молиявий ҳисоботларининг ишончилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "FARFONA HUDUDIY ELEKTR TARMOKLARI KORHONASI" акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражада ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асос бўлади.

Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган изохлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Изохлар билан фикр билдириш учун асос

Хўжалик юритувчи субъект "FARFONA HUDUDIY ELEKTR TARMOKLARI KORHONASI" акциядорлик жамиятининг томонидан, Асосий воситаларни ҳисоби, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 20.01.2004 йил №1299-сон билан рўйхатдан ўтган 5-сонли БХМС, товар-моддий захиралари ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 17.07.2006 йил №1595-сон билан рўйхатдан ўтган (ўзгарт. ва қўшимч. қиритилган) 4-сонли БХМС, Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрдаги ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 1999 йил 2 ноябрдаги №833-сон билан рўйхатга олинган, бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти №19-сон "инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш" ва 2018 йил 5 январдаги 2-сон билан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 2018 йил 25 январдаги №833-1-сон билан рўйхатга олинган, бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти №19-сон "инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш"га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишларга асосан йиллик инвентаризация ўтказиш талабларига тўлиқ риоя этилмаган ҳамда "Келгуси давр харажатлари" ҳисобидаги №1600 "Қабул қилиб олинган электр энергияси билан истемолчиларга етказиб берилган электр энергияси вақтинчалик фарқи"и ҳисобидан олиб борилган харажатларни коплаш белгиланмаган.

Изохлар билан фикр билдириш

Бизнинг фикримизча, изохлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботга таъсиридан ташқари, хўжалик юритувчи субъект "FARFONA HUDUDIY ELEKTR TARMOKLARI KORHONASI" акциядорлик жамиятининг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МChJ «АКАДЕМИК АУДИТ»
auditorlik tashkiloti директори:



М.Султонов
Ғ.Низомов
А.Маликов

«20» апрель 2021 йил